

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йуналишлари бўйича  
Ўқув-услубий йоритқималар фекластивия Мубофиқлаштирувчи кенгашининг  
2021 йил 26 август 2021 йил 26 август 2021 йил 26 август 2021 йил 26 август  
маъқуланган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлигининг 2021 йил 26 август 2021 йил 26 август 2021 йил 26 август 2021 йил 26 август  
даги 2021 йил 26 август 2021 йил 26 август 2021 йил 26 август 2021 йил 26 август  
сонли буйруғи билан тасдиқланган.


ЖОРИЙ ЭТИЛГАН

**70712401 – Автомобилсозлик ва тракторсозлик магистратура  
мутахассислигининг малака талаблари**

Маъгур Малака талаблари "Олий таълим шиллат таълим стандарти,  
Асосий кенгаши", "Олий таълим йуналишлари ва мутахассисликлари  
классификатори", Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамакисига  
мувофиқ ишлаб чиқилган ва рамакисига нумерий-услубий кужкат хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудила Малака талабларини расмий чор  
этиш ҳукуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлигига тегишлидир.

Тошкент-2021



### **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети;
- «Агрегат zavodi» АЖ.

### **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «14» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «26» 08 даги 325 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

### **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 70712401 – Автомобилсозлик ва тракторсозлик магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи .....	4
1.1. Қўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1. 70712401 – Автомобилсозлик ва тракторсозлик магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 70712401 – Автомобилсозлик ва тракторсозлик мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари тавсифи .....	4
1.2.1. 70712401 – Автомобилсозлик ва тракторсозлик мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....	4
1.2.2. 70712401 – Автомобилсозлик ва тракторсозлик мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3. 70712401 – Автомобилсозлик ва тракторсозлик мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 70712401 – Автомобилсозлик ва тракторсозлик мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 70712401 – Автомобилсозлик ва тракторсозлик таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	6
2.1. Умумий компетенциялар.....	6
2.2. Касбий компетенциялар.....	7
Библиографик маълумотлар.....	8
Келишув варағи.....	9

## **1. 70712401- Автомобилсозлик ва тракторсозлик магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи**

**70712401 – Автомобилсозлик ва тракторсозлик магистратура мутахассислиги** бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1. 70712401 – Автомобилсозлик ва тракторсозлик магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби **70712401 – Автомобилсозлик ва тракторсозлик магистратура мутахассислиги** бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасасининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим муассасасининг талабалари;

- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим муассасаларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим муассасаларига ўқишга кираётган баклаврият битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 70712401 – Автомобилсозлик ва тракторсозлик мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи**

**1.2.1. 70712401 – Автомобилсозлик ва тракторсозлик мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:**

### **70712401 - Автомобилсозлик ва тракторсозлик**

Автомобиллар, тракторлар ҳамда уларнинг агрегат ва узелларини яратиш, ишлаб чиқариш соҳасида илмий, техникавий ва технологик масалалар билан боғлиқ ташкилотлар; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли илмий-тадқиқот институтларининг Автомобиллар ва тракторларни такомиллаштириш, уларнинг техник даражаси ва самарадорлигини ошириш бўйича фаолият юритувчи бўлимлари; мутахассислик соҳаси бўйича технологик ва конструкторлик илмий-ишлаб чиқариш муассасалари; мутахассислик соҳасига оид олий ва ўрта махсус таълим тизими муассасалари; автомобиллар ва тракторларни лойиҳаловчи, ишлаб чиқарувчи ташкилотлар мажмуини камраб олади.

Мутахассислик бўйича фан, техника, технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ўзгаришлар бўлиши мумкин.

**1.2.2. 70712401 - Автомобилсозлик ва тракторсозлик мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;
- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;
- қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим тизими муассасалари;
- давлат бошқаруви ва унинг турли ҳудудий бўлинмалари;
- автомобиллар ва тракторларни лойиҳалаш, ишлаб чиқариш;
- автомобиллар ва тракторлар тизимларидаги жараёнлар;
- автомобиллар ва тракторларни илмий тадқиқот ва лойиҳалаш жараёнлари;
- автомобиллар ва тракторларни синаш, уларни ишлатиш жараёнлари;
- ўқув жараёнлари.

Мутахассислик бўйича фан, техника, технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида кўшимча ўзгаришлар бўлиши мумкин.

**1.2.3. 5A310201 - Автомобилсозлик ва тракторсозлик мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари**

- илмий тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- лойиҳавий-конструкторлик фаолияти;
- таҳлил ва назорат фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти.

**1.2.4. 70712401 - Автомобилсозлик ва тракторсозлик мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:**

70712401- Автомобилсозлик ва тракторсозлик мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

**Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:**

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий янгиликларни кашф этиш;
- илмий мақолалар, маърузалар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;
- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;
- ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;
- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўқув-методик мажмуаларни мукамал ўзлаштириш;
- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

### **Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:**

- автомобиллар ва тракторларни лойиҳалаш;
- автомобилсозлик ва тракторсозлик бўйича замонавий лойиҳалаш-конструкторлик ишларини ўрганиш, таҳлил қилиш, ишлаб чиқиш ва қўллаш;
- ишлаб чиқариш корхоналарида лойиҳалаш-технологик ишларини ўрганиш, таҳлил қилиш, ишлаб чиқиш ва қўллаш;
- автомобиллар ва тракторларни лойиҳалаш бўйича лойиҳалаш-конструкторлик ва лойиҳалаш-технологик ишларини тўлиқ бажариш кўникма ва малакасига эга бўлиш;
- илмий-тадқиқот институтлари ва ташкилотларида ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарида автомобиллар ва тракторларни лойиҳалаш бўйича лойиҳалаш-конструкторлик ишларини бажариш ва уларни қўллаш тажрибасига эга бўлиш;
- автомобиллар ва тракторларни лойиҳалаш бўйича лойиҳалаш-конструкторлик ишларини ҳозирги қўйилган талаблар нуктаи назаридан замонавий ахборот ва рақамли технологияларни қўллаб бажариш кўникмаси ва тажрибасига эга бўлиши.

### **Таҳлил ва назорат фаолиятида:**

- давлат, маҳаллий ҳукумат ва хўжалик юритувчи субъектларнинг автомобиллар ва тракторлардан оқилона фойдаланиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;
- автомобилсозлик ва тракторсозлик соҳасида ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга тадбиқ этиш;
- автомобилсозлик ва тракторсозлик соҳаси бўйича ишлар сифатини ошириш ва уни ривожлантириш йўллари ишлаб чиқиш.

### **Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

- замонавий ахборот технологиялар тизимидан фойдаланиб ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлигини талабларига мослигини мониторинг қилиш;
- касбий этика қоидаларини риоя қилиш.

### **Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

- тизимлар, технологик жараёнлар, уларнинг элементлари ва технологик ҳужжатларни ишлаб чиқишда ижрочилар жамоаси таркибида иштирок этиш;
- автомобиллар ва тракторларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш;
- техникавий-иқтисодий таҳлил қилиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали усулларини танлаш ва қўллаш;
- пуллик таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;
- ихтисосликка мос мавзу бўйича турли хизматларни кўрсатиш.

## **2. 70712401 - Автомобилсозлик ва тракторсозлик таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаоляти ундан замонавий илмий асосда касб фаолятида фойдалана билиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолятида фойдалана олиши;

- ўз фаолятида меъерий-ҳуқуқий хужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

## **2.2. Касбий компетенциялар:**

- илмий ва илмий-техникавий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши; ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш;

- табиат, илмий-техникавий тараққиёт ва жамиятда юз бераётган жараён ва ходисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий қиёфаси ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолятида ҳамда замонавий илмий тадқиқотларда фойдалана олиш;

- шахснинг инсон, жамият, атроф муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолятида қўллай олиш;

- автомобиллар ва тракторлар, уларнинг двигателларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш соҳаларида янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила олиш;

- ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда илмий-техникавий, ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиш;

- автомобиллар ва тракторлар, уларнинг двигателларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш соҳаларида касбий фаолятда ўзлаштирган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши, методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий ва илмий-техникавий ижодий фаолятида фойдалана олиш;

- педагогик фаолятида ахборот ва педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш.

## Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

### Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, магистратура ва бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури, қонун, қоида, қарор, олий таълим, ўқув жараёни, магистратура, консалтинг, лойиҳа-қидирув, педагогик, илмий-педагогик иш, малака амалиёти, битирув малакавий иш, магистрлик диссертацияси, автомобилсозлик, тракторсозлик, лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, баҳолаш, сифат назорат, давлат аттестацияси, мустақил таълим, ўқув фанлари блоки, мундарижа, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, профиль, амалиёт объекти, кадрлар сифати, юклама, юклама ҳажми, илмий фаолият, ички назорат, якуний давлат назорати, давлат-жамоатчилик назорати, ташқи назорат, моддий-техник база, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни, махсус фанларни ўқитиш методикаси, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, илмий тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария.



КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Ислом Каримов номидаги  
Тошкент давлат техника университети



Ректор С.М. Турабджанов проф. С.М. Турабджанов

2021 йил « 23 » 08

М.Ў.

“Agregat zavodi” АЖ



Бош директор Б.К. Аюбов Б.К. Аюбов

2021 йил « 05 » 08

М.Ў.

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази



Директор в.б. М.Эсонов М.Эсонов

2021 йил « 24 » 08

М.Ў.

Тошкент давлат транспорт  
университети



Ректор О.К. Абдурахманов О.К. Абдурахманов

2021 йил « 08 » 08

М.Ў.

“БМКБ Агроташ” АЖ

Бош директор в.б. А.Н. Колесников А.Н. Колесников

2021 йил « 24 » 08

М.Ў.



“Технолог” АЖ

Бош директор Б.Э. Қаххоров Б.Э. Қаххоров

2021 йил « 24 » 08

М.Ў.

